Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 30 сентябрь 1970 йил, чоршанба ◆ 228 (14.694). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

ФАРҒОНА. («Совет Узбекистони» мухбири). Бу ерда область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи У. Сатторов пахта йиғим-терминининг бориши ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлаб, область пахтакорлари олдида турган вазифаларга тўхталди. У фарғоналиклар бу йил ўз зиммаларига олган улкан мажбурият— 500 минг тонна пахтани теріб Ватанга топширишлари учун барча имкониятлар мавжудлигини кўрсатиб ўтди.

Партия активи йиғилишида район партия комитетларининг биринчи секретарлари пахта йиғим-терминининг бориши ва етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан тез ва сифатли теріб олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Йиғилиш ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц, Узбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. А. Зоидов ўртоқлар иштирок этдилар.

А. ЭШОНОВ.

КПСС XXIV съезди қарорларига

МАШИНАЛАР КЕЧА-КУНДУЗ ИШЛАСИН!

СУРЪАТ ОШАДИ

Колхозимиз аъзолари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантириш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Кейинги йилларда ҳосилдорлик кескин кўтарилиб, 40 центнерга етганлиги бунинг далилидир.

Пахтачиликда бундай юксалишга ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, комплекс механизацияни кенг жорий этиш, техника ва ўғитлардан оқилона фойдаланиш йўли билан деҳқончилик маданиятини ошириш туфайли эришилди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, экинларнинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини кўпайтириш йўллари белгилаб берилди. Коллективимиз аъзолари Пленум қарорларини амалга ошириш, хусусан пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида аниқ тадбирлар белгиладилар ва уни амалга ошира бошладилар.

Яқинда бўлиб ўтган республика партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Узбекистон пахтакорлари бу йил пландан ташқари 300-400 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга ваъда беришган. Юқори ҳосилли бригадалар теримни намунали ташкил этиб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Т. Курбонниёзов, О. Омоннепесов, К. Есенов, К. Худойбердиев, О. Ороздурдиев, А. Нурметов, А. Байриев, М. Сафаров ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳар куни йиллик планнинг 3-6 процентга микдорида пахта тайёрланмоқда.

Механизаторларимиз пахтакорликдан ташаббусига қўшилиб ва сурхондарёлик машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Шоймардон Қудратовдан намуна олиб, бу йил агрегатлар кучидан унумли фойдаланиш ва 4000 тонна пахтани машиналарда теріб беришга аҳд қилишди. Бутун мавсум давомида барча машиналар икки сменада ишлатиладилар. Биз бу йил ҳар бир икки қаторли машина билан мавсумда камида 120 тонна ва «Узбекистон» маркали тўрт қаторли машина билан 250 тонна пахта теришни назарда тутмоқдамиз. Б. Эржонов, И. Одекиличов, Б. Чориев, Т. Авездурдиев, Б. Курбонов, М. Ортиков, О. Гелдиевлар машиналарнинг кучидан унумли фойдаланиб, дастлабки кунданоқ юксак кўрсаткичга эришмоқдалар.

Биз терим суръатини тобора кучайтириш билан бир қаторда, терилган пахтанинг хирмонларда чўкиб қолишига йўл қўймаслик, уни пешма-пеш тайёрлов пунктларига топшириш чорасини кўрямиз. Бунинг учун етарли миқдорда транспорт мавжуд. Пахта ташишга 73 та тележка ва мавжуд юк автомашиналари ажратилган. Улар ўз вақтида сифатли ремонт қилингани учун тўхтовсиз ишламоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти пахта теріш ва тайёрлаш суръатини ошириш тадбирларини белгиладилар, пахтакорлар ва механизаторларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, улар ўртасида социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш ва илғорларни рағбатлантиришга катта эътибор беряпти. Теримчилар ва механизаторларга ҳар беш кунда иш ҳақи тўланяпти. Ҳар куни икки норма бажарган теримчи 4 сўм 92 тийин, икки ярим норма бажарган теримчи эса 6 сўм 15 тийиндан ҳақ оляпти.

Икки қаторли машина учун бир кунга икки тонна ва «Узбекисон» маркали тўрт қаторли машина учун эса 8 тонна норма белгиланди. Бир кунда бир норма бажарган механик-ҳайдовчи 8 сўм 45 тийин, бир ярим норма бажарган механик-ҳайдовчи эса 12 сўм 62 тийин ҳақ олади.

Теримчилар ва механизаторларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма имкониятлар яратилган. Улар иссиқ овқат билан таъминланяпти. Доимий ва мавсумий болалар боғча ҳамда яслилари ишлаб турибди.

Ҳар куни кечкурун қилинган ишнинг натижаси якунланади. Кайси бригадада канча пахта терилгани колхоз радиоузели орқали эълон қилинади. Энг кўп пахта терган илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг номлари ҳам радио орқали бутун колхоз аҳлига маълум қилинади. Бу тадбирнинг таъсир кучи яхши бўляпти. Илғорлар сафи кун сайин ошяпти.

Илғор бригадаларга бериш учун Кўчма Қизил байроқ, пешқадам механизаторларга бериш учун эса вимпел таъсис этилган. Байрок ва вимпелни ҳар ўн кунлик охирида социалистик мусобақада ғолиб чиққан бригада ва механизатор олади. Байрок ва вимпел билан бирга пул мукофоти ҳам берилади. Бунинг учун алоҳида мукофот фонди ажратилган.

Пахтакорларимиз КПСС XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, планни 15 октябргача, мажбуриятни эса, 7 ноябргача бажариш ҳақида сўз беришган. Улар ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

У. МАТНЕПЕСОВ.

Тўрткўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Максим Горький номли колхозининг раиси, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати.

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ

Фарғона районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг чорвадорлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб ва партия XXIV съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, меҳнатда катта ғалаба қозондилар. Сут тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари ошириб бажарилди. Давлатга пландаги 185 ўрнига 197 тонна сут сотилди. Колхоз чорвадорлари яна 35 тонна сут тайёрлаш мажбуриятини олишди.

Шунингдек, райондаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари ҳам сут тайёрлаш планини ошириб адо этдилар. Пландаги 82 ўрнига 82,2 тонна сут топширилди. Бу ерда йил охиригача яна 18 тонна сут тайёрлаш мўлжалланяпти.

Қ. МИРЗАПУЛАТОВ.

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

«Москва» колхози Фарғона районидаги йирик сабзаводкор хўжалик ҳисобланади. Колхоз мирзакорлари бу йил яхши меҳнат қилишди ва экинлардан мўл ҳосил етиштиришди. Улар мақсулотни йиғиб-теріб олишни намунали ташкил этишди ва сабзавот тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари ошириб адо этишди. Эл дастурхонига пландаги 2117 тонна ўрнига 2220 тонна ноз-неъматлар етказиб берилди.

Т. СОДИҚОВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ СУТ ВА ГЎШТ

Узбекистон гўшт ва сут саноати корхоналарининг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш тўқиз ойлик планни муддатидан бир ҳафта илгари бажардилар.

Озиқ-овқат саноатининг ана шу соҳаларида ишлаётган меҳнаткашлар партия XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, сентябрь ойининг охирига қадар пландан ташқари уч минг тонна гўшт, олти минг тонна каймоғи олинмаган сут, кўп миқдорда колбаса маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар топширишга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

*

Ойдин Абдураҳимова Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхоз механизаторларининг мусобақасига қўшилиб, терим суръатини тезлаштириш учун олиб борилаётган курашда ибрат кўрсатяпти. Бу йил мавсумда 250 тонна «оқ олтин» теріш ҳақида сўз берган бу моҳир механик-ҳайдовчи «Узбекистон» маркали терим агрегати билан ҳар куни 7-8 тоннадан пахта теряпти. Суратда: О. Абдураҳимова.

А. Тўраев фотоси.

*

Бирлашган Араб Республикаси Президенти вазифасини ижро этувчи АНВАР САДАТГА, БАР ҲУКУМАТИГА, МИЛЛАТ МАЖЛИСИГА, АРАБ СОЦИАЛИСТИК ИТТИФОҚИГА, БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Олий Совет Президиуми, Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи халқлари атоқли давлат арбоби, миллий озодлик ҳаракатининг танилган раҳбари, Совет Иттифоқининг қалин дўсти, Бирлашган Араб Республикасининг Президенти ва Бош министри Бирлашган Араб Республикаси Араб социалистик иттифокининг Раиси Жамол Абдил Носирнинг 1970 йил 28 сентябрда 53 ёшида бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб чуқур қайғуга тушдилар.

Жамол Абдил Носир раҳбарлигида 1952 йил 23 июлда Мисрда амалга оширилган антиимпериалистик, антифеодал революция мамлакатимизга халқи олдида озодлик ва тараққиёт сари мустақил миллий ривожланиш йўлини очиб берди.

Бирлашган Араб Республикасида Миср халқининг кенг меҳнаткашлар оммаси манфаатлари йўлида ўтказилган туб социал-иқтисодий ўзгаришлар Жамол Абдил Носир номи билан боғланган. Унинг номи Миср халқининг 1956 йилги уч томонлама империалистик агрессияга қарши мардонавор олиб борган курашида ва араб мамлакатларининг 1967 йилги Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун олиб бораётган курашидан ажралмасдир. Бирлашган Араб Республикаси араб халқларининг миллий озодлик ҳаракатида авангардлик позицияларини эгаллади, бунда ҳам марҳум Жамол Абдил Носирнинг хизмати буюк.

Президент Жамол Абдил Носир Бирлашган Араб Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида самимий дўстлик ва самарали ҳамкорликни ўрнатиш учун кўп иш қилди. Совет Иттифоқида унинг бу ишига юксак баҳо берадилар.

Миср халқи бошига оғир мусибат тушган шу кунларда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати Совет Иттифоқининг Бирлашган Араб Республикаси билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантиришга, араб халқларининг антиимпериалистик адолатли курашида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг мустақиллигини, иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлашга қаратилган йўлда қаттиқ турғунлигини таъкидлаб ўтишни истайдилар. Бу йўл Совет Иттифоқи халқлари билан араб халқларининг империализм ва агрессия кучларига қарши курашидаги мақсадларнинг бирлиги билан белгиланади. Замон синовидан ўтган бу йўл мамлакатларимиз халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади. Совет Иттифоқи араб халқларининг миллий озодлик ҳаракатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай беради.

Дўстона Совет—Миср муносабатларини ривожлантиришга марҳум президент Жамол Абдил Носир жуда катта аҳамият берган эди, бу муносабатлар араб халқларининг кучларини Исроил босиб олган араб ерларини озод қилиш учун. Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашга сафарбар қилишга ёрдам беради. Марҳум Президент Носир Яқин Шарқ можаросини сиёсий бартараф этишнинг эътиқодли тарафдори эди, бу йўлни биз бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлайберамиз.

Марҳум Жамол Абдил Носир империализмга қарши синалган ва изчил курашчи эди. Шу сабабли империализмга қарши курашда Араб давлатлари сафларини жипслаштириш, уларнинг бирлигини мустаҳкамлаш марҳумнинг хотирасини энг яхши тарзда абадийлаштириш бўлади.

Президент Жамол Абдил Носир бевақт вафот этган ҳозирги қайғули дамларда биз КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати ва совет халқлари номидан Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматига, Миллат мажлисига, Араб социалистик иттифоқига ва халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз ва дўстлик, қардошлик, жанговар бирдамлик ип-тўйғуларимиз мудом ўзгармайди деб ишонтирамиз.

Л. БРЕЖНЕВ Н. ПОДГОРНИЙ А. КОСИГИН.

Москва, Кремль.
1970 йил 29 сентябрь.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КПСС XXIV съезДини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилиб, социалистик мусоб ии тобора қизитаётган Қорақўл районидаги «Москва» колхозининг пахтакорлари давлатга «оқ олтин» сотиш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Давлат москваликлардан 4540 тонна биринчи сортли пахтани қабул қилиб олди. Машиналар билан 1183 тонна пахта терилди.

Пахта майдонининг ҳар гектаридан 34-35 центнердан ҳосил кўтарган У. Абдуллаев, Н. Очилов, Ғ. Ярашев ўртоқлар бошлиқ бўлган бригада аъзолари айниқса яхши меҳнат кўрсаткичларини қўлга киритдилар.

Колхоз далаларида ҳали ҳосил кўп. Буни чамалаб чиққан пахтакорлар давлатга қўшимча равишда яна 2460 тонна ҳосил етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ҳозир колхоз аъзолари ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 36 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

МАМЛАКАТДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Иттифоқдош республикаларда юксак хирмон учун курашнинг ҳаз қилувчи даври бошланди. Пахта ҳамма жойда кутилганидан ҳам эртароқ очилиб қолди. Бунинг натижасида теріш агрегатларини тўла қувват билан ишлатиш учун шароит вужудга келди. Шу йилнинг 28 сентябригача бўлган маълумотларга қараганда Туркманистон ССР сўнгги бир кунда 3,7 процент ва мавсум бошидан буён 85,1 процент миқдорида пахта тайёрлади.

Озарбайжон пахтакорлари кейинги бир кунда йиллик планнинг 2,1 проценти миқдорида ва мавсум бошидан буён 83,8 процент, Тожикистон ССР бир кунда 2,7 процент, мавсум бошидан буён 42,4 процент, Ўзбекистон ССР бир кунда 2.8 процент, мавсум бошидан буён 42,08 процент, Қозоғистон ССР бир кунда 4,4 процент ва мавсум бошидан буён 39,9 процент, Қирғизистон ССР бир кунда 2,3 процент ва мавсум бошидан буён 17,0 процент «оқ олтин» тайёрладилар.

Совет Иттифоқи бўйича кейинги бир кунда 2.8 процент пахта топширилиб, йиллик план 47,5 процент адо этилди. Мамлакат хирмонига мавсум бошидан буён 2 миллион 753 минг 400 тонна пахта тўкилди.

4.400.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1970 йил 29 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Топширилган пахта: Бир кунда	Топширилган пахта: Мавсум бошидан буён	Шу жумладан, машина терими: Бир кунда	Шу жумладан, машина терими: Мавсум бошидан буён
Бухоро	2,98	90,30	2,38	53,99
Қашқадарё	3,23	75,53	2,99	55,12
Сурхондарё	3,02	50,53	3,66	36,51
Тошкент	3,81	46,73	3,52	38,74
Хоразм	3,49	46,09	2,35	13,65
ҚҚ АССР	3,94	45,79	3,64	22,34
Андижон	2,33	38,08	1,87	9.52
Фарғона	2,01	37,45	1,72	11,39
Наманган	2,18	33,96	1,48	11,31
Сирдарё	3,31	28,81	3,77	28,00
Самарқанд	2,41	24,94	1,64	6,40
Республика бўйича:	2,90	44,98	2,77	25,13
Шу жумладан, ингичка толали пахта:				
Қашқадарё	3,33	57,18		
Сурхондарё	2,21	52,67		
Бухоро	1,31	22,10		
Республика бўйича:	2,29	47,78		

СОВЕТ РАҲБАРЛАРИ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИГА БОРИШДИ

Атоқли давлат арбоби, миллий озодлик ҳаракатининг раҳбари, Бирлашган Араб Республикасининг Президенти ва Бош министри, Бирлашган Араб Республикаси Араб социалистик иттифоқининг раиси Жамол Абдил Носир вафот этди.

...Бирлашган Араб Республикасининг Москвадаги элчихонаси биноси тепасидаги давлат байроғи ярим-ярим қўйилган. Бу ерга 29 сентябрь куни Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, Д. С. Полянский, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали М. В. Захаров келдилар.

Элчихонанинг асосий залидаги супачага Жамол Абдил Носирнинг бюсти ва мотам ҳошияси ўралган катта портрети қўйилган.

Совет раҳбарлари Совет Иттифоқининг қалин дўсти хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Улар Жамол Абдил Носирнинг бевақт вафоти муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва совет халқлари номидан Бирлашган Араб Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Муҳаммад Мурод Голибга ва элчихонанинг дипломатик составига чуқур ҳамдардлик изҳор қилдилар.

Совет раҳбарлари мотам дафтарига имзо чекдилар. (ТАСС).

БАР ПРЕЗИДЕНТИ ЖАМОЛ АБДИЛ НОСИРНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИДА ҚАТНАШУВЧИ СОВЕТ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ

Бирлашган Араб Республикаси Президенти ва Бош министри, Араб социалистик иттифоқининг Раиси Жамол Абдил Носирни дафн этиш маросимида қатнашиш учун СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин бошчилигида Совет партия-давлат делегацияси тайинланди. Делегация составида Совет Иттифоқи Маршали, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари М. В. Захаров, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. М. Виноградов, СССРнинг Бирлашган Араб Республикасидаги муваққат ишлар вакили В. П. Поляков, армия генерали П. Н. Лашченко, генерал-полковник В. В. Окунев бор.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

КОЛЛЕКТИВ БОҒДОРЧИЛИК ВА ПОЛИЗЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН БЕРИЛГАН ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ

86-м о д д а. **Коллектив боғдорчилик билан шуғулланиш учун бериладиган ер участкалари**

Коллектив боғдорчилик билан шуғулланиш учун ер участкалари давлат запас ерларидан ва давлат ўрмон фондининг шаҳар кўкламзор зоналари ёки бошқа аҳоли пунктлари доирасидан ташқаридаги дарахт экилмайдиган ерларидан тегишли аҳоли пункти территориясининг перспектив кенгайишини ҳисобга олган ҳолда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ушбу Кодекснинг 14—18, 21 ва 22-моддаларида назарда тутилган тартибда муддатсиз берилади. Давлат запас ерлари ва давлат ўрмон фонди ерларида коллектив боғ учун яроқли ер бўлмаган тақдирда, истисно тариқасида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги билан банд қилинган ерларидан, шунингдек совхоз ва колхозларнинг хўжаликни ривожлантириш перспектив плани бўйича ўзлаштирилмайдиган ерларидан қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган ер берилиши мумкин.

Коллектив боғдорчилик билан шуғулланиш учун ер участкалари, агарда боғдорчилик шеркати ўзига бир қанча корхона, ташкилот ва муассаса ишчи ва хизматчиларини ёхуд пенсионерларни бирлаштирган бўлса, бевосита шу боғдорчилик шеркатига берилиши мумкин.

Боғдорчилик шеркати аъзолигига кишилар қабул қилиш ва унда қатнашиш ҳуқуқини сақлаш шартлари шу шеркат Уставида белгилаб қўйилади.

Коллектив боғдорчилик билан шуғулланиш учун бериладиган ер участкаларининг миқдори, хоҳ суғориладиган ерлар бўлсин, хоҳ суғорилмайдиган ерлар бўлсин, шеркатнинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 0,06 гектардан ошмайдиган миқдорда белгиланади.

87-м о д д а. **Коллектив боғдорчилик билан шуғулланиш учун берилган ер участкаларидан фойдаланиш**

Коллектив боғдорчилик билан шуғулланиш учун берилган ер участкаларидан дарахтлар, токлар ва резавор мева буталари экиш учун фойдаланилади. Бу участкаларда тасдиқланган планлаштириш ва қурилиш лойиҳалари бўйича мева омборлари, коллектив боғда хўжалик юритиш учун зарур бўлган умум фойдаланадиган бошқа бино ва иншоотлар қуришга рухсат этилади.

88-м о д д а. **Коллектив полизчилик билан шуғулланиш учун бериладиган ер участкалари**

Коллектив полизчилик билан шуғулланиш учун корхона, ташкилот ва муассасаларга ер участкалари аҳоли пунктларидаги, давлат запасидаги ва ўрмон фондидаги яқин йилларда иморат қуриш учун ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланмаган бўш ерлардан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ёки меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитети томонидан беш йилгача муддат билан берилади. Коллектив полизчилик учун қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вақтинча фойдаланилмаётган ерлари, бундай ерлар бўлмаган тақдирда эса,—колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжалик корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасаларнинг кам ҳосилли ерлари берилиши мумкин.

Полизчилик шеркат аъзолигига кишилар қабул қилиш ва унда қатнашиш ҳуқуқини сақлаш шартлари шу шеркат Уставида белгилаб қўйилади.

Коллектив полизчилик билан шуғулланиш учун бериладиган ер участкаларининг миқдори шеркатнинг ҳар бир аъзоси ҳисобига суғориладиган ерларда 0,08 гектардан, суғорилмайдиган ерларда эса — 0,15 гектардан ошмайдиган миқдорда белгиланади.

89-м о д д а. **Коллектив полизчилик билан шуғулланиш учун берилган ер участкаларидан фойдаланиш**

Коллектив полизчилик билан шуғулланиш учун берилган ер участкаларидан сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштириш учун фойдаланилади. Улардан уй-жой бинолари ва бошқа капитал иншоотлар қуриш учун фойдаланиш мумкин эмас. Бу участкаларда умум фойдаланадиган вақтинча иморат ва иншоотлар қуриш учун шу ер участкаларини берган органдан рухсат олиш талаб қилинади.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

КОЛХОЗ ХОНАДОНЛАРИНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШИ

90-м о д д а. **Колхоз хонадонининг томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқи**

Ҳар бир колхоз хонадони колхоз Уставида кўзда тутилган тартибда ва нормалар доирасида бериладиган томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқига эга.

Томорқа ер участкалари ёрдамчи қишлоқ хўжалиги юритиш ва белгиланган тартибда уй-жой ҳамда хўжалик бинолари қуриш учун фойдаланилиши мумкин.

Қишлоқ аҳоли пунктлари зич қурилган тақдирда, уй ёнидан томорқа участка озроқ миқдорда берилиб, ер участкасининг қолган қисми доимий типдаги иморат қурмаслик шарти билан аҳоли пунктининг турар-жой зонасидан ташқарида ажратиб берилади.

91-м о д д а. **Колхоз хонадонининг томорқа ер участкасига бўлган ҳуқуқининг сақланиши**

Колхоз хонадонининг меҳнатга қобилиятли бирдан-бир аъзоси СССР Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш учун ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёки сайлаб қўйиладиган лавозимда бўлган, ўқишга кетган, колхоз розилиги билан ёхуд уюшган ҳолда ишчилар қабул қилиш тартибида вақтинча бошқа ишга ўтган тақдирда, шунингдек колхоз хонадонини составида фақат вояга етмаган шахслар қолган ҳолларда, бундай колхоз хонадонлари берилган томорқа ер участкасини ўзларида сақлаб қолиш ҳуқуқига эгадирлар.

Колхоз хонадонининг ҳамма аъзолари қариялик ёки инвалидлик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотганларида ҳам колхоз хонадонларининг томорқа ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Қолган бошқа ҳамма ҳолларда томорқа ер участкасини қолдириш масаласи колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши томонидан ҳал қилинади.

92-м о д д а. **Совхозга ёки бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхонасига айлантирилган колхоз аъзоларининг томорқа ер участкасига бўлган ҳуқуқининг сақланиши**

Совхозга ёки бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхонаси, ташкилоти ёхуд муассасасига айлантирилган колхоз аъзолари шу колхоз ерида тузилган совхозга ёки бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхонаси, ташкилоти ё муассасасига доимий ишга ўтган бўлсалар, уларнинг ўша колхоз Уставида белгиланган нормадан ошмайдиган миқдордаги колхозда фойдаланиб келган томорқа ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Совхозга ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, ташкилоти ёхуд муассасасига айлантирилган колхоз аъзолари бўлган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларнинг ҳам ўша колхоз Уставида белгиланган нормадан ошмайдиган миқдордаги колхозда фойдаланиб келган томорқа ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари сақланиб қолади.

93-м о д д а. **Колхоз хонадони ихтиёридаги уй-жой биносига эгалик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганида томорқа ер участкасидан фойдаланиш**

Колхоз хонадонига қарашли уй-жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши томорқа ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳам ўша шахсга ўтишини тақозо қилмайди.

Уй-жой биносига эгалик ҳуқуқини олган шахсга томорқа ер участкаси ушбу Кодекс талабларига мувофиқ умумий асосларда берилади.

94-м о д д а. **Колхоз хонадонларига яйлов ва пичанзорлар ажратиб бериш**

Колхоз Уставига мувофиқ, колхоз хонадонларига ўз чорва молларини боқиш учун яйлов ажратиб берилади.

Колхозчиларнинг шахсий мулкидаги чорва молларни ем-хашак билан таъминлаш мақсадида колхоз хонадонларига пичан тайёрлаш учун давлат запас ерлари ва давлат ўрмон фонди ерларидан, аҳоли пунктларининг ерларидан ва колхозларнинг жамоат хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларидан участкалар ажратиб берилади.

Пичан ўриб олиш учун колхозларнинг жамоат хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларидан бериладиган участкалар колхоз аъзолари умумий йиғилишининг ёки вакиллар йиғилишининг қарорига биноан ажратиб берилади, давлат запас ерлари ва давлат ўрмон фонди ерларидан бериладиган участкалар — меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг қарорига биноан, аҳоли пунктларининг ерларидан бериладиган участкалар эса —меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, посёлка ёки қишлоқ Совети ижроия комитетининг қарорига биноан ажратиб берилади.

95-м о д д а. **Балиқчилик колхози хонадонларининг томорқа ердан фойдаланиш ҳуқуқи**

Балиқчилик билан шуғулланувчи ҳар бир колхоз хонадони балиқчилик колхози Уставида кўзда тутилган тартибда ва нормалар доирасида бериладиган томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқига эга.

Балиқчилик колхози хонадонларининг томорқа ердан фойдаланишлари, шунингдек уларга яйлов ва пичанзорлар ажратиб бериш тартиби ушбу Кодекснинг 90—94-моддалари асосида белгиланади.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯШОВЧИ БОШҚА ГРАЖДАНЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШИ

96-м о д д а. **Совхоз ишчилари ва хизматчиларига ҳамда қишлоқ жойларда яшовчи бошқа гражданларга томорқа ер участкалари бериш**

Совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасаларининг доимий ишчилари ва хизматчиларига, шунингдек қишлоқ жойларда ишловчи ва яшовчи ўқитувчилар, врачлар ва бошқа мутахассисларга томорқа ер участкалари учун мўлжаллаб қўйилган ерлардан томорқа ер ёки полиз ажратиб берадилар. Томорқа ер участкалари совхозлар, корхоналар, ташкилотлар ёки муассасалар маъмуриятининг қарорига асосан берилади.

Колхоз қишлоқ жойларда яшловчи ва яшовчи ўқитувчиларга, врачларга ва бошқа мутахассисларга томорқа ер участкаларини шу колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши қарори билан беради.

Колхозларда, совхозларда, бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида бўш ётган томорқа ерлар мавжуд бўлган тақдирда, тегишли бўлишига қараб, колхоз аъзолари умумий йиғилишининг ёки вакиллар йиғилишининг ёхуд совхоз, корхона, ташкилот, муассаса маъмуриятининг меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Совети ижроия комитети томонидан тасдиқланадиган қарорига биноан, қишлоқ жойларда яшовчи ишчилар, хизматчилар, пенсионерлар ва инвалидларга ҳам томорқа ер участкалари ажратиб берилиши мумкин.

Томорқа ер участкалари фақат ёрдамчи қишлоқ хўжалиги юритиш ва белгиланган тартибда уй-жой ҳамда хўжалик бинолари қуриш учун фойдаланилиши мумкин.

97-м о д д а. **Қишлоқ аҳоли пунктлари зич қурилган тақдирда томорқа ер участкалари бериш**

Қишлоқ аҳоли пунктлари зич қурилган тақдирда, ушбу Кодекснинг 96-моддасида кўрсатилган гражданларга ўз уйлари ёнидан томорқа ер участкалари озроқ миқдорда берилиб, ер участкасининг қолган қисми доимий типдаги иморат қурмаслик шарти билан аҳоли пунктининг турар-жой зонасидан ташқарида ажратиб берилади.

98-м о д д а. **Қишлоқ жойларда яшовчи ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданларга полизчилик билан шуғулланиш учун ер участкалари бериш**

Совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасаларининг доимий ишчи ва хизматчиларида, шунингдек қишлоқ жойларда ишлаб ва яшаб турган ўқитувчилар, врачлар ҳамда бошқа мутахассисларда томорқа ер участкалари бўлмаса, уларда полизчилик билан шуғулланиш учун ер участкалари бўлмаса, уларга полизчилик билан шуғулланиш учун ер участкалари берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган категориядаги гражданларда белгиланган миқдордан озроқ томорқа участкаси бўлса, якка тартибда полизчилик билан шуғулланиш учун қўшимча ер участкаси берилиши мумкин, бу ҳолда томорқа участка билан полизнинг умумий майдони ушбу Кодекснинг 99-моддасида кўрсатилган миқдордан ортиб кетмаслиги керак.

Якка тартибда полизчилик билан шуғулланиш учун ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган категориядаги гражданларга ер участкалари колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши томонидан ҳал қилинади.

92-м о д д а. **Совхозга ёки бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхонасига айлантирилган колхоз аъзоларининг томорқа ер участкасига бўлган ҳуқуқининг сақланиши**

Совхозга ёки бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхонаси, ташкилоти ёхуд муассасасига айлантирилган колхоз аъзолари шу колхоз ерида тузилган совхозга ёки бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхонаси, ташкилоти ё муассасасига доимий ишга ўтган бўлсалар, уларлар ва хўжалик бинолари билан банд бўлган майдон ҳам киради.

Айрим районларда томорқа ер участкалари ва полиз ерларининг ҳажми Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан суғориладиган ерларда — 0,13 гектаргача, суғорилмайдиган ерларда эса 0,25 гектаргача кўпайтирилиши мумкин.

100-м о д д а. **Совхоз ишчилари ва хизматчиларининг ҳамда қишлоқ жойларда яшовчи бошқа гражданларнинг томорқа ер участкаси сақлаб қолиниши**

Ушбу Кодекснинг 96-моддасида кўрсатилган ишчи ва хизматчиларнинг томорқа ер участкалари улар қариялик ёки инвалидлик пенсиясига чиққанларида, шунингдек СССР Қуролли Кучлари сафига ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёки ўқишга кирган ишчи ва хизматчилар оила аъзоларининг ер участкаси шу ишчи ва хизматчилар ҳарбий хизматда бўлган ёки ўқув юртида бўлган бутун давр мобайнида аввалги миқдорда сақлаб қолинади. Агарда ишчи ва хизматчилар вафот этиб, уларнинг оиласида меҳнатга яроқли бошқа киши қолмаган тақдирда ҳам шу оилаларнинг томорқа ер участкалари аввалги ҳажмида сақлаб қолинади.

Бу қоидалар полизчилик билан шуғулланиш учун ер участкалари берилган шахсларга ҳам тааллуқлидир.

101-м о д д а. **Қишлоқ жойларда уй-жой биносига эгалик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганида томорқа ер участкасидан фойдаланиш**

Қишлоқ жойлардаги уй-жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши томорқа ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳам ўша шахсга ўтишини тақозо қилмайди.

Уй-жой биносига эгалик ҳуқуқини олган шахсга томорқа ер участкаси ушбу Кодекс талабларига мувофиқ умумий асосларда берилади.

102-м о д д а. **Совхоз ишчилари ва хизматчиларига ҳамда қишлоқ жойларда яшовчи бошқа гражданларга чорва молларини боқиш учун ер участкалари бериш**

Ушбу Кодекснинг 96 ва 100-моддаларида кўрсатиб ўтилган категориядаги шахсий мулкида чорва моллари бор бўлган гражданларга ўз чорва молларини боқиш учун давлат запас ва давлат ўрмон фонди ерларидан, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ерларидан, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлардан ер участкалари ажратиб берилади. Чорва моллари боқиш учун ер участкалари меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг қарори билан, аҳоли пунктлари доирасида эса—меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, посёлка ёки қишлоқ Совети ижроия комитетининг қарори билан ажратилади.

Бундай ерлар бўлмаган тақдирда, чорва моллари боқиш учун ер участкалари колхозларнинг, совхозларнинг, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг ерларидан ажратиб берилиши мумкин, бунда шу чорва молларининг эгалари мазкур участкаларга қараб туриш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш юзасидан бўладиган харажатларни ердан фойдаланувчиларга тўлайдилар. Чорва моллари боқиш учун ер участкалари колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши ёхуд совхоз, корхона, ташкилот, муассаса маъмуриятининг қарори билан берилади.

Бу участкаларга қараб туриш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш юзасидан бўладиган харажатлар миқдори ердан фойдаланувчилар томонидан белгиланиб, меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар, посёлка ёки қишлоқ Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

103-м о д д а. **Совхоз ишчилари ва хизматчиларига ҳамда қишлоқ жойларда яшовчи бошқа гражданларга пичан ўриб олиш учун ер участкалари бериш.**

Ушбу Кодекснинг 96 ва 100-моддаларида кўрсатилган категориядаги гражданларнинг пичан ўриб олишлари учун ер участкалари меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг қарорига биноан давлат запас ва давлат ўрмон фонди ерларидан, темир йўл ва тош йўллар ёқаларидаги миллатга ерлардан ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бошқа ерлардан меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг қарорига биноан, аҳоли пункти доирасида эса—меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, посёлка ёки қишлоқ Совети ижроия комитетининг қарорига биноан берилади.

Бундай ерлар бўлмаган тақдирда, пичан ўриб олиш учун бериладиган участкалар колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши ёхуд совхоз, корхона, ташкилот, муассаса маъмуриятининг қарорига биноан колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг жамоат хўжалигида фойдаланилмаётган ерларидан берилиши мумкин.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

ЯККА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШИ

104-м о д д а. **Якка деҳқон хўжаликларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи**

Якка деҳқон хўжаликлари ўзларига берилган дала ва томорқа ер участкаларидан ёлланма меҳнатни қўлланмай қишлоқ хўжалиги юритиш учун фойдаланадилар.

105-м о д д а. **Якка деҳқон хўжаликлари учун ер бериш тартиби**

Якка деҳқон хўжаликларига дала ерлар давлат запас ерларидан, томорқа ерлар эса аҳоли пунктининг ерларидан меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг қарорига биноан, ушбу Кодекснинг 16-моддасига мувофиқ ажратиб берилади.

106-м о д д а. **Якка деҳқон хўжаликларига берилган ер участкаларининг ҳажми**

Ҳар бир якка деҳқон хўжалигига қарашли дала ерининг миқдори меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети томонидан белгиланади, бу миқдор суғорилмайдиган ерларда 1,0 гектардан ва суғориладиган ерларда 0,5 гектардан ортиқ бўлмаслиги керак.

Томорқа ер участкасининг ҳажми иморатлар билан банд бўлган ерларни қўшиб ҳисоблаганда суғорилмайдиган ерларда 0,15 гектардан ва суғориладиган ерларда 0,08 гектардан ортиқ бўлмаслиги керак.

III БЎЛИМ

АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ПУНКТЛАР (ШАҲАРЛАР, ШАҲАР ТИПИДАГИ ПОСЁЛКАЛАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ)НИНГ ЕРЛАРИ

ЎН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

ШАҲАР ЕРЛАРИ

107-м о д д а. **Шаҳар ерларининг состави**

Шаҳар доирасида жойлашган ҳамма ерлар шаҳар ерларидир.

Бу ерлар составига қуйидагилар киради:

1) шаҳар қурилиши ерлари;

2) умум фойдаланадиган ерлар;

3) қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар;

4) шаҳар ўрмонлари билан банд бўлган ерлар;

5) темир йўл, сув, ҳаво транспорти ерлари, трубопроводлар ўтган ерлар, кон саноати ерлари ва бошқа ерлар.

108-м о д д а. **Шаҳар доираси.**

Шаҳар доираси—шаҳар ерларининг ташқи чегараси шаҳар ерларини ягона давлат ер фондидаги бошқа ерлардан ажратиб туради ва шаҳар тараққиётининг белгиланган тартибда тасдиқланган техникавий-иқтисодий асосларига ва бош планига мувофиқ равишда белгиланади.

Шаҳар доираси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан белгиланади ва ўзгартирилади.

Ер участкаларининг шаҳар доирасига киритилиши ердан фойдаланувчиларнинг бу ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи бекор бўлишини тақозо қилмайди. Бу участкаларга ушбу Кодекснинг 112-моддасида белгиланган тартибда олинади.

109-м о д д а. **Шаҳар ерларидан фойдаланиш тартиби**

Шаҳар доирасидаги ҳамма ерлар меҳнаткашлар депутатларининг шаҳар Советлари ихтиёридадир.

Шаҳар ерларидан шаҳарларнинг бош планларига, планлаштириш ва қурилиш лойиҳаларига ҳамда шаҳар территориясининг ер-хўжалик тузилиши лойиҳаларига мувофиқ равишда фойдаланилади.

Шаҳарларнинг бош планлари шаҳар ерларидан саноат, уй-жой қурилиши ва бошқа қурилиш учун, ободончилик ва аҳолининг дам олиш жойларини барпо этиш учун фойдаланишнинг асосий йўналишини белгилаб беради.

Шаҳарларни планлаштириш ва қурилиш лойиҳалари бош планлар асосида ишлаб чиқилиб, шаҳар қурилишига тегишли айрим участкалардан қай йўсинда фойдаланишни белгилаб беради.

Шаҳар территориясининг ер-хўжалик тузилиши лойиҳаси шаҳарнинг иморат қуриш мўлжалланмаган ва вақтинча иморат қурилмайдиган ерларидан фойдаланишнинг асосий йўналишини белгилаб беради.

Шаҳар территориясининг ер-хўжалик тузилиши лойиҳаси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланади.

Ушбу Кодекснинг 107-моддаси 3—5-бандларида кўрсатилган ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

110-м о д д а. **Ердан фойдаланувчиларнинг шаҳарлардаги ер участкаларини ободонлаштириш мажбуриятлари**

Шаҳарлардаги ер участкаларидан фойдаланиб турган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданлар меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советларининг ижроия комитетлари томонидан белгиланадиган қоидаларга мувофиқ ана шу ер участкаларини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, бу ерлардаги яшил дарахтларни сақлаш ва уларни парвариш қилиш юзасидан зарур иш олиб боришлари шарт.

111-м о д д а. **Шаҳарларда ер участкалари бериш тартиби**

Шаҳарларда ер участкалари тасдиқланган планлаштириш ва қурилиш лойиҳалари ҳамда шаҳар территориясининг ер-хўжалик тузилиши лойиҳаларига мувофиқ меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори асосида берилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан, ўзларига биркитиб қўйилган ерлардан маданий-маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги мақсадлари ва бошқа мақсадлар йўлида вақтинча фойдаланиш учун бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларга ер участкалари ажратиб беришлари мумкин.

112-м о д д а. **Шаҳарларда ер участкаларини қайтариб олиш тартиби**

Шаҳарлардаги ер участкалари меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори асосида қайтариб олинади.

Гражданлар фойдаланиб турган мевали дарахтлар ва резавор мевазорлардан иборат ер участкалари ёки гражданларнинг шахсий мулкидаги уй-жойларни бузиш билан боғлиқ ер участкалари Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ёки меҳнаткашлар депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори асосида олинади.

Суғориладиган ва заҳи кетказилган ерлар, экинзорлар, кўп йиллик ва мевали дарахтлар ҳамда токзорлар банд қилиб турган ер участкалари, шунингдек сувни муҳофаза қилиш, ихота ўрмонзорлари ва биринчи группадаги бошқа ўрмонлар банд қилиб турган ерлар фақат Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан қайтариб олинади.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ЕРЛАРИ

113-м о д д а. **Шаҳар қурилиши ерларининг состави**

Шаҳар қурилиши ерларига уй-жой бинолари, коммунал-маиший, маданий-оқартув, саноат, савдо, маъмурий бинолар ва бошқа бино ҳамда иншоотлар қурилган ҳамда уларни қуриш учун мўлжалланган барча ерлар киради.

114-м о д д а. **Қурилиш учун ер участкалари бериш**

Шаҳар қурилиши ерлари давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига уй-жой, маданий-маиший, саноат бинолари қуриш ва бошқа турдаги капитал қурилишлар учун фойдаланиш мақсадида берилади, гражданларга эса—якка тартибда уй-жой қуриш учун берилади.

Шаҳарларда уй-жой қурилиши учун дастлабки бўш ётган ёки бузилиши лозим бўлган эски бинолар банд қилиб турган ер участкалари ажратиб берилади.

115-м о д д а. **Шаҳар қурилиши ерларини вақтинча фойдаланиш учун бериш**

Қурилиш учун вақтинча фойдаланилмай турган шаҳар қурилиши ерлари улардан енгил типдаги объектлар (палаткалар, киоскалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуриш ва бошқа эҳтиёжлар учун вақтинча фойдаланиш мақсадида берилиши мумкин.

116-м о д д а. **Шаҳар қурилиши ерларидан фойдаланиш шартлари**

Берилган ер участкаларида қурилиш ва архитектура органларининг рухсатисиз иморат қуришга киришиш мумкин эмас.

Қурилиш олиб бориш учун ер участкалари берилган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданлар бу участкаларда вазифаси ва хусусияти меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган иморат ёки иншоотларнигина қуришлари керак.

Ана шу ер участкаларида асосий қурилиш олиб борилиши муносабати билан вақтинча қурилган барча иморат ва иншоотлар асосий қурилиш тамом бўлгач, бузиб ташланиши лозим. Уларни бузиш харажатларини шу қурилиш ташкилотлари кўтаради.

117-м о д д а. **Иморат қурилган ер участкаларидан умумий фойдаланиш**

Агарда ер участкасида бир неча эгаси бўлган битта ёки бир қанча иморат жойлашган бўлса, бу ер участкаси шу иморат эгаларининг умумий фойдаланишида бўлади.

Ер участкасининг бўлиниши натижасида унинг бирон қисми ёки ундаги иморатлар мавжуд коммунал хизматлардан (электр чироғидан, канализациядан, водопроводдан, суғориш мосламаларидан ва шу кабилардан), уларнинг эгалари эса—мустақил пиёдалар йўлидан ёки транспорт йўлидан маҳрум бўлиб қоладиган бўлса, бу ер участкасини бўлишга йўл қўйилмайди.

Агарда ер участкасидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ёки унда жойлашган уйларда яшовчи гражданлар манфаатлари камситиладиган бўлса, бундай ер участкасида ёрдамчи бинолар (гараж, отхона, молхона, сарой, ертўла, омбор ва шу кабилар) қуришга йўл қўйилмайди.

118-м о д д а. **Шаҳарлардаги иморатларга бўлган эгалик ҳуқуқи бошқаларга ўтганида ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳам уларга ўтиши**

Шаҳар ерларида иморатларга бўлган эгалик ҳуқуқи бошқаларга ўтганида ер участкасидан ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам уларга ўтади.

Иморатга ёки унинг бир қисмига бўлган эгалик ҳуқуқи бир қанча эгаларга ўтганида, ер участкаси ҳам шу иморат эгаларининг умумий фойдаланишига ўтади.

119-м о д д а. **Бино ва иншоотлар бошқаларга ўтганда ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳам уларга ўтиши**

Бино ва иншоотлар бир корхона, ташкилот ва муассасадан иккинчи корхона, ташкилот ва муассасага ўтганида шу объектлар билан бирга мазкур бино ва иншоотларга хизмат қилиш учун зарур бўлган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўшаларга ўтади.

120-м о д д а. **Шаҳарлардаги иморат бузилган тақдирда ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг сақланиши**

Иморат табиий офатдан ёки бошқа сабабларга кўра бузилган ҳолда, башарти шу иморат эгаси иморати бузилган кундан бошлаб кўпи билан икки йил ичида уни тиклашга ёки шу участкада янги иморат қуришга киришса, мазкур иморат жойлашган ер участкасидан муддатсиз фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Шаҳарни планлаштириш ва қурилиш лойиҳасида бу ер участкасидан бошқа мақсадда фойдаланиш кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда бузилган иморат эгасига, башарти мазкур шаҳарда якка тартибда уй-жой қуриш тақиқланмаган бўлса, шу шаҳар доирасида белгиланган тартибда бошқа ер участкаси берилади.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

ШАҲАРЛАРДАГИ УМУМ ФОЙДАЛАНАДИГАН ЕРЛАР

121-м о д д а. **Шаҳарлардаги умум фойдаланадиган ерларнинг состави**

Шаҳарлардаги умум фойдаланадиган ерларга қуйидагилар киради:

— майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари ва ҳоказолар;

— шаҳар аҳолисининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланилаётган ерлар (ўрмонзорлар, парклар, ҳиёбонлар, шаҳар боғлари банд қилиб турган ерлар ва шу кабилар);

— коммунал-маиший хизмат аҳамиятига эга бўлган ерлар (қабристонлар, чиқиндилар зарарсизлантириладиган ва утиллаштириладиган жойлар ва шу кабилар).

122-м о д д а. **Умум фойдаланадиган ерлардан фойдаланиш**

Умум фойдаланадиган ерлар бевосита меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг ихтиёрида бўлиб, конкрет корхона, ташкилот, муассаса ва гражданларга биркитиб қўйилмайди.

Шаҳарлардаги анҳор бўйлари ва сув ҳавзаларининг ёқаларидан биринчи навбатда дам олиш ва спорт билан шуғулланиш учун фойдаланилади.

Умум фойдаланадиган ерларда бу ерлардан фақат ўз мақсадида фойдаланиш вазифасига мувофиқ келувчи қурилишлар ва иншоотларни қуриш мумкин.

Умум фойдаланадиган ерлардан ер участкалари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданларга енгил типдаги қурилма ва иншоотлар (савдо палаткалари, киоскалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуриш учун вақтинча фойдаланиш мақсадида берилиши мумкин. Бу қурилма ва иншоотлар, ердан фойдаланиш муҳлати ўтгач, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг талаби билан бузиб ташланиши мумкин. Уларни бузиш харажатларини ердан фойдаланувчилар кўтаради.

123-м о д д а. **Шаҳар ичкарисидаги ариқлар (ирригация шохобчаларн) ўтадиган ерлардан фойдаланиш**

Шаҳар ичкарисидаги ариқлар билан банд бўлган ерлар дарахтларни, гулзорларни, боғларни, паркларни, кўчаларни, майдонлар ва шу кабиларни суғориш, шунингдек микроиқлим яратиш, шаҳар аҳолисининг меҳнат қилиши, дам олиши ва маиший шароитини яхшироқ уюштириш мақсадига хизмат қилади.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

ШАҲАРЛАРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕРЛАР ВА БОШҚА ЕРЛАР

124-м о д д а. **Шаҳарлардаги қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерларнинг состави**

Шаҳарлардаги қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерларга экинзорлар, боғлар, токзорлар, полизлар, питомниклар, карьерлар, тош-шағаллар ва шу кабилар билан банд бўлган ерлар киради.

(Давоми учинчи бетда).

(Боши газетанинг 29 сентябрь сонида)

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Бошы иккинчи бетда)

125-м о д д а. **Шаҳарларда қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерларни бериш**

Шаҳарлардаги қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерлар даставвал қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига берилади. Бу ерлар, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ёрдамчи қишлоқ хўжалиги юритиш, коллектив полизчилик ва боғдорчилик билан шуғулланиш учун, гражданларга эса — полизчилик билан шуғулланиш, мол боқиш ва пичан ўриб олиш учун берилиши мумкин.

Шаҳарлардаги бошқа ерлар корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бошқа эҳтиёжлар учун берилиши мумкин.

126-м о д д а. **Колхоз ва совхозларнинг шаҳар доирасидаги ерлардан фойдаланишлари**

Шаҳар доирасида жойлашган колхозларнинг жамоат ерлари, совхоз ерлари ва бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасаларининг ерлари, агар уларда шаҳарнинг планлаштириш ва қурилиш лойиҳаси бўйича иморат қурилмайдиган ёки ободончилик ишлари олиб борилмайдиган бўлса, шу хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга абадий фойдаланиш учун биркитиб қўйилади.

Бу ерларда уй-жой, маданий-маиший, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб туриб жойлаштирилади.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасалари ерларини шаҳар доирасига қўшганда, колхоз хонадонлари, шу колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасаларининг ишчилари, хизматчилари, мутахассислари фойдаланиб келаётган томорқа ер участкаларининг миқдори фақат шаҳарнинг планлаштириш ва қурилиш лойиҳалари амалга оширилиши муносабати билангина ўзгариши мумкин.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

ШАҲАР ЎРМОНЛАРИ БИЛАН ҚОПЛАНГАН ЕРЛАР

127-м о д д а. **Шаҳар ўрмонлари билан қопланган ерлардан фойдаланиш**

Шаҳар ўрмонлари билан қопланган ерлар микроқлимни яхшилаш, аҳолининг дам олишини уюштириш ва маданий-эстетик эҳтиёжларини қондириш, территорияни сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш учун фойдаланилади. Уларнинг составидаги дарахтзорлар билан банд бўлмаган участкалар спорт майдончалари ташкил этиш ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

ЙИГИРМА ТУРТИНЧИ БОБ

ШАҲАРЛАРДАГИ ТЕМИР ЙЎЛ, СУВ, ҲАВО, ТРУБОПРОВОД ТРАНСПОРТИ, КОН САНОАТИ ЕРЛАРИ ВА БОШҚА ЕРЛАР

128-м о д д а. **Шаҳарлардаги темир йўл, сув, ҳаво, трубопровод транспорти, кон саноати ерлари ва бошқа ерлар**

Шаҳарлардаги темир йўл, сув, ҳаво, трубопровод транспорти, кон саноати ерлари ва бошқа ерларга корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга, улар зиммасига юклатилган махсус вазифаларни бажариш мақсадида берилган ерлар киради.

Бу ерларда бино ва иншоотларни жойлаштириш, шунингдек ободончилик ишлари олиб бориш меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб туриб амалга оширилади.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

ШАҲАР ПОСЕЛКАЛАРИНИНГ ЕРЛАРИ

129-м о д д а. **Шаҳар посёлкаларининг ерлари**

Посёлка доирасидаги ҳамма ерлар меҳнаткашлар депутатлари посёлка Совети ихтиёридадир.

Ушбу Кодекснинг 107—128 ва 141—144-моддаларида баён қилинган қоидалар Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ шаҳар посёлкалари категориясига ўтказилган аҳоли пунктларига қарашли ерларга ҳам жорий этилади.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

ШАҲАР АТРОФИ ЗОНАЛАРИ ВА КЎКАЛАМЗОР ЗОНАЛАР

130-м о д д а. **Шаҳар атрофи зоналари ва кўкаламзор зоналар ерлари**

Шаҳар доирасидан четда ўлган, шаҳар территориясини кенгайтириш, ободончилик ва шаҳар хўжалигининг нормал ишлашига боғлиқ бўлган зарур иншоотларни жойлаштириш ва қуриш учун резерв қилиб қўйилган ерлар, шунингдек ҳимоя ва санитария-гигиена вазифаларини бажарувчи ўрмонлар, ўрмон-парклар ва бошқа дарахтзорлар билан қопланган ҳамда аҳолининг дам олиш жойи ҳисобланган ерлар тегишинча шаҳар атрофи зонаси ва шаҳарнинг кўкаламзор зонаси қилиб ажратиб қўйилади.

131-м о д д а. **Шаҳар атрофи зоналари ва кўкаламзор зоналарни ажратиб бериш ва бу зоналардаги ерлардан фойдаланиш тартиби**

Шаҳар атрофи зоналари ва кўкаламзор зоналарни ажратиб бериш, шунингдек бу зоналардаги ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

Бу ерларда уй-жой, маданий-маиший, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини жойлаштириш ҳамда ободончилик ишлари олиб бориш меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб туриб амалга оширилади.

132-м о д д а. **Шаҳар атрофи зоналари ва кўкаламзор зоналардаги ерларни муҳофаза қилиш**

Шаҳар атрофи зоналари ва кўкаламзор зоналардаги ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Бу ерларда шаҳар атрофи зоналари ва кўкаламзор зоналарнинг ижтоъ ҳамда санитария-гигиена вазифаларига, шунингдек аҳолининг дам олишини уюштириш мақсадларига мос келмайдиган иморат ва иншоотлар қуришга йўл қўйилмайди.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЕРЛАРИ

133-м о д д а. **Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари**

Қишлоқ аҳоли пунктларига қарашли ерларга шу пунктларнинг белгиланган чегара доираларида жойлашган ҳамма ерлар киради.

Келгуси тараққиёт истиқболига эга бўлган қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари шу аҳоли пунктларининг планлаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ уларнинг доирасини белгилаб қўйиш йўли ёки бошқа ерлардан ажратилиб, чегаралаб қўйилади. Келгуси тараққиёт истиқболи бўлмаган қишлоқ аҳоли пунктларига қарашли ер бошқа ерлардан хўжалик ички ер тузиш тартибида ажратилиб, чегаралаб қўйилади.

134-м о д д а. **Қишлоқ аҳоли пунктлари доирасини белгилаш ва ўзгартириш тартиби**

Келгуси тараққиёт истиқболига эга бўлган қишлоқ аҳоли пунктларининг доирасини Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ёки меҳнаткашлар депутатлари облас Советининг ижроия комитети томонидан белгиланади ва ўзгартирилади.

135-м о д д а. **Қишлоқ аҳоли пунктларини истиқболли аҳоли пунктлари қаторига ўтказиш тартиби**

Қишлоқ аҳоли пунктларини кенг тараққиёт истиқболига эга бўлган аҳоли пунктлари қаторига ўтказиш мазкур район тасдиқланган планлаштириш схемаларига мувофиқ, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ёки меҳнаткашлар депутатлари облас Совети ижроия комитети томонидан амалга оширилади.

136-м о д д а. **Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларининг составы**

Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларининг составига қуйидаги ерлар киради:

1) меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советлари ихтиёрида бўлган ерлар;

2) колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик давлат, кооператив ҳамда жамоат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига биркитиб қўйилган ерлар;

3) темир йўл, сув, ҳаво, трубопровод транспорти, кон саноати ерлари ва бошқа ерлар.

137-м о д д а. **Қишлоқ аҳоли пунктларини ерларини бериш тартиби**

Қишлоқ аҳоли пунктлари доирасида меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Совети ҳар қандай ер участкаларини ажратиб бериши устидан контроллик қилиб борадиган колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари фойдаланаётган ерлар составига кирмаган ерлардан ер участкаларини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

138-м о д д а. **Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советлари ихтиёрида бўлган ерлардан фойдаланиш тартиби**

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советлари ихтиёрида бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан майдонлар, кўлар, йўллар, соҳил бўйлари, боғлар, парклар, скверлар, ҳиёбонлар, дарахтзорлар барпо қилиш ва шу кабилар учун, шунингдек маиший-маиший, уй-жой эҳтиёжлари ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

Келгуси тараққиёт истиқболи бўлмаган аҳоли пунктлари қаторига кирган қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари шу аҳоли пунктларининг планлаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ равишда фойдаланилади.

Келгуси тараққиёт истиқболи бўлмаган қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан хўжаликнинг ички ер тузиш лойиҳаси мувофиқ равишда фойдаланилади.

Иморатга бўлган эгалик ҳуқуқи ва иморат ҳамда иншоотлар бошқаларга ўтганида ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳам бошқаларга ўтиши, шунингдек иморат бузилган тақдирда ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи сақлаб қолиниши тўғрисида ушбу Кодекснинг 118—120-моддаларида белгиланган қоидалар меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советлари ихтиёрида бўлган ерларга ҳам тааллуқлидир.

139-м о д д а. **Қишлоқ аҳоли пункти доирасида колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига биркитиб қўйилган ерлардан фойдаланиш тартиби**

Қишлоқ аҳоли пункти доирасида колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерларига биркитиб қўйилган ер участкаларидан уй-жой бинолари, маданий-маиший бинолар, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуриш учун, шунингдек ССР Иттифоқи қонунлари ҳамда ушбу Кодекснинг 90—103-моддаларига мувофиқ томорқа ер бериш учун фойдаланадилар. Бу ерларда уй-жой бинолари, маданий-маиший бинолар, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб туриб жойлаштирилади.

140-м о д д а. **Қишлоқ аҳоли пунктлари доирасидаги темир йўл, сув, ҳаво, трубопровод транспорти, кон саноати ерларидан ва бошқа ерлардан фойдаланиш тартиби**

Қишлоқ аҳоли пунктлари доирасидаги темир йўл, сув, ҳаво, трубопровод транспорти, кон саноати ерлари ва бошқа ерлардан шу ерлар тўғрисидаги низомларга ҳамда ушбу Кодекснинг 145—155-моддаларига мувофиқ равишда фойдаланилади. Бу ерларда бино ва иншоотларни жойлаштириш, шунингдек ободончилик ишлари олиб бориш меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб туриб амалга оширилади.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

УЙ-ЖОЙ ВА ДАЧА ҚУРИШ КООПЕРАТИВЛАРИГА, ШУНИНГДЕК ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРУВЧИ ГРАЖДАНЛАРГА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ БЕРИШ

141-м о д д а. **Уй-жой ва дача қуриш кооперативларига, шунингдек якка тартибда уй-жой қурувчи гражданларга фойдаланиш учун ер участкалари бериш**

Уй-жой ва дача қуриш кооперативларига, шунингдек якка тартибда уй-жой қуриш учун гражданларга ер участкалари аҳоли пунктларига қарашли ерлардан, давлат запас ерларидан ва шаҳарларнинг кўкаламзор зонасидан ташқаридаги давлат ўрмон фонди ерларидан ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида берилади.

Уй-жой ва дача қуриш кооперативларига, шунингдек якка тартибда уй-жой қурувчи гражданларга ер участкалари фойдаланиш учун муддатсиз берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун бериладиган ер участкалари ҳар бир айрим ҳолда меҳнаткашлар депутатлари тегишли Совети ижроия комитети томонидан қуриладиган уйнинг ҳажми ва маҳаллий шароитларга қараб: шаҳарларда 0,03 гектардан 0,06 гектаргача, шаҳарлар ташқарисида эса — 0,07 гектардан 0,12 гектаргача бўлган норма доирасида берилади.

Айрим шаҳарларда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан чеклаб қўйилиши мумкин.

Уй-жой ва хўжалик бинолари қурилиш лойиҳалари белгиланган тартибда тасдиқланганда ва қурилиш учун рухсат олингандан кейингина қурила бошланади.

142-м о д д а. **Уй-жой қуриш кооперативларининг ердан фойдаланиш тартиби**

Уй-жой қуриш кооперативларига берилган ер участкаларидан уй-жой ва хўжалик бинолари қуриш учун фойдаланиладилар. Бу ер участкасидан шу уйда яшовчи кооператив аъзоларининг ҳаммаси баравар фойдаланади.

143-м о д д а. **Дача қуриш кооперативларининг ердан фойдаланиш тартиби**

Дача қуриш кооперативлари ўзларига берилган ер участкаларидан дачалар ва хўжалик бинолари қуриш учун фойдаланадилар.

144-м о д д а. **Якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкаларидан фойдаланиш тартиби**

Гражданлар якка тартибда уй-жой қуриш учун ўзларига берилган ер участкаларидан аҳоли пунктларининг планлаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ, типовой ёки якка тартибдаги лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун фойдаланадилар.

IV БЎЛИМ

САНОАТ, ТРАНСПОРТ, КУРОРТЛАР, ЗАПОВЕДНИКЛАРНИНГ ЕРЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН БОШҚА ЕРЛАР

ЙИГИРМА ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

САНОАТ, ТРАНСПОРТ, КУРОРТЛАР ЗАПОВЕДНИКЛАРНИНГ ЕРЛАРИНИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН БОШҚА ЕРЛАРНИ БЕРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

145-м о д д а. **Саноат, транспорт, курортлар, заповедникларнинг ерлари ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган бошқа ерлар**

Саноат, транспорт, курортлар, заповедникларнинг ерлари ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган бошқа ерлар деб корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ўз зиммаларига юклатилган махсус вазифаларни (саноат ишлаб чиқариши, транспорт вазифалари, курортлар ташкил қилиш, заповедниклар очиш ва шу кабиларни) амалга ошириш учун бериб қўйилган ерларга айтилади.

146-м о д д а. **Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкаларининг ҳажми ва уларни ажратиб бериш тартиби**

Ушбу Кодекснинг 145-моддасида кўрсатилган мақсадлар учун ажратиб бериладиган ер участкаларининг ҳажми белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар ёки лойиҳа-техника ҳужжатларига мувофиқ ҳолда белгиланади, бу участкаларни ажратиб бериш эса уларни ўзлаштириш навбатига қараб амалга оширилади.

147-м о д д а. **Саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер бериши**

Саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасалар ўзлари фойдаланмаётган ерларни меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Советларининг ижроия комитетлари қарори билан, қишлоқ хўжалиги мақсадларида вақтинча фойдаланиш учун СССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан колхозларга, совхозларга, бошқа корхона, ташкилот, муассасаларга ва гражданларга беришлари мумкин.

148-м о д д а. **Саноат, транспорт, курортлар, заповедникларнинг ерлари ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган бошқа ерлардан фойдаланиш ҳамда алоҳида шартлар билан фойдаланиладиган зоналарни белгилаш тартиби**

Саноат, транспорт, курортлар заповедникларнинг ерларидан ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган бошқа ерлардан фойдаланиш ҳамда алоҳида шартлар билан фойдаланиладиган зоналарни (санитария муҳофазаси округлари ва шу кабиларни) аниқлаш тартиби шу ерлар тўғрисида СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланадиган низомларда белгилаб қўйилади.

149-м о д д а. **Курортларнинг ерлари**

Курортларнинг ерларига даволаш аҳамиятига ва соғломлаштириш тадбирлари ўтказиш учун қулай шароитларга эга бўлиб, белгиланган тартибда даволаш-курорт муассасаларига берилган ер участкалари киради.

Курортларнинг ерлари махсус муҳофаза қилинади.

150-м о д д а. **Курортларнинг санитария муҳофазаси округлари**

Аҳолининг даволаниши ва дам олиши учун зарур шароитлар яратиб бериш манфаатларини кўзлаб, шунингдек табиий шифобахш омилларни муҳофаза қилиш мақсадида ҳамма курортларда санитария муҳофазаси округлари белгилаб қўйилади. Бу округлар доирасида шу жойнинг табиий шифобахш хусусиятларини ва аҳолининг дам олиши учун қулай шароитларни сақлаб қолишга мос келмайдиган ишлар олиб борувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг фойдаланиши учун ер участкалари бериш таъқиқланади.

151-м о д д а. **Заповедникларнинг ерлари**

Белгиланган тартибда ажратиб қўйилган бўлиб, доирасида алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга табиий объектлар (типик ёки нодир ландшафтлар, ўсимликлар ва жониворлар организми туркуми, нодир геология маҳсуллари, ўсимлик ва ҳайвонот турлари ва шу кабилар) жойлашган ер участкаларига заповедникларнинг ерлари деб айтилади.

Заповедниклар территориясида, шунингдек заповедниклар атрофидаги муҳофаза зоналари доирасида шу заповедниклардаги табиий комплексларни бузувчи ёки алоҳида илмий ёхуд маданий қимматга эга бўлган табиий объектларнинг сақланишига таҳдид солувчи ҳар қандай фаолият таъқиқланади.

152-м о д д а. **Заказникларнинг ерлари**

Белгиланган тартибда ажратиб қўйилган бўлиб, доирасида алоҳида илмий, маданий қимматга ёки хўжалик аҳамиятига эга бўлган ҳамда аҳоли дам оладиган жой ҳисобланган ер участкалари ландшафтли-тарихий, ов қилинадиган ва бошқа заказниклар деб юритилади.

Заказниклар доирасида бу заказникларнинг табиий комплексик ҳолатини бузмайдиган ёки муҳофаза этилувчи айрим объектларга таҳдид солмайдиган хўжалик ишлари олиб боришга рухсат этилади.

153-м о д д а. **Заповедник ва заказникларнинг муҳофаза зоналари**

Зарур ҳолларда, заповедниклар ва заказниклар атрофида шу заповедник ёки заказниклари ташкил этиш ҳақида қарор чиқарган органлар томонидан муҳофаза зоналари ажратиб қўйилади.

154-м о д д а. **Табиат ёдгорликларига қарашли ерлар**

Табиат ёдгорликларига қарашли ерлар деб белгиланган тартибда ажратиб қўйилган бўлиб, чегара доирасида алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга табиий объектлар (нодир геология маҳсуллари, дарахтлар, парклар, ғорлар ва шу кабилар) бор бўлган ер участкаларига айтилади.

Табиат ёдгорликлари атрофида уларни сақлаш ва табиий манзарасини бузмаслик мақсадида муҳофаза зоналари белгилаб қўйилиши мумкин.

Табиат ёдгорликларига қарашли ерларни ва уларнинг муҳофаза зоналарини ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда бу ерларда қурилиш, тупроқ ишлари ва бошқа ишлар олиб бориш тартиби табиатни қўриқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан белгиланади.

155-м о д д а. **Маданият ёдгорликларига қарашли ерлар**

Маданият ёдгорликларига қарашли ерларга катта тарихий ва илмий қимматга ҳамда муҳим сиёсий, археологик ёки архитектура аҳамиятига эга бўлган кўчмас маданият ёдгорликлари жойлашган ер участкалари киради.

Кўчмас маданият ёдгорликлари атрофида муҳофаза зоналари ва қурилишларни тартибга солиш зоналари ажратиб қўйилади.

Маданият ёдгорликларига қарашли ерларни ва уларнинг муҳофаза зоналари ҳамда қурилишларни тартибга солиш зоналарини ажратиш тартиби, маданият ёдгорликларига қарашли ерлар ва кўрсатилган зоналардан фойдаланиш, бу ерларда қурилиш, тупроқ ишлари ва бошқа ишлар олиб бориш тартиби маданият ёдгорликларини сақлаш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан белгиланади.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

ХИЗМАТ ЮЗАСИДАН БЕРИЛАДИГАН ЧЕК ЕРЛАР

156-м о д д а. **Хизмат юзасидан бериладиган чек ерлар**

Хизмат юзасидан бериладиган чек ерлар транспорт, ўрмон хўжалиги, ўрмончилик саноати, алока, сув, балиқчилик ва овчилик хўжалиги, шунингдек қалқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишловчи баъзи категориядаги ходимларга берилади.

157-м о д д а. **Хизмат юзасидан чек ер участкалари ажратиб бериш тартиби**

Хизмат юзасидан бериладиган чек ерлар тегишли министрликлар ва идораларга қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фойдаланиб турган ерлардан, бундай ерлар етишмаган тақдирда эса, — давлат запас ерлари ва давлат ўрмон фонди ерларидан ажратиб берилади.

Хизмат юзасидан бериладиган чек ерлар корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фойдаланиб келаётган ерлардан — шу корхона, ташкилот ва муассасалар маъмуриятининг қарори билан, давлат запас ерлари ва давлат ўрмон фонди ерларидан бериладиган чек ерлар эса — механизмлаштирилган ўрмонхўжалиги ва ўрмончилик корхоналарининг ишчилари ва хизматчилари ва ўрмонларни ёнғин ва бошқа ҳавфлардан сақловчи ва ҳимоя қилувчи ходимлар ва ўрмонларни ва ўрмонзорларни ҳимоя ва парвиш қилиш ишлари учун ажратилган ер участкаларидан ва ўрмонзорлардан ажратилади.

Ер участкаларидан ажратилган ер участкаларидан ажратилган ер участкаларидан ажратилган

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Бошн 2—3-бетларда).

VII БЎЛИМ
ДАВЛАТ ЗАПАС ЕРЛАРИ

УТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Давлат запас ерлари ва уларни бериш тартиби

168- м о д д а. **Давлат запас ерлари.**

Ердан фойдаланувчиларга муддатсиз ёки узоқ муддат билан фойдаланиш учун берилмаган ерларнинг ҳаммаси давлат запас ерлари ҳисобланади.

169- м о д д а. **Давлат запас ерларини фойдаланиш учун бериш**

Давлат запас ерлари ушбу Кодекснинг 14, 18, 21 ва 22- моддаларида кўзда тутилган тартибда колхозларга, совхозларга, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига, шунингдек гражданларга доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади.

VIII БЎЛИМ
ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

УТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ ВА УНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

170-модда. **Давлат ер кадастри ва унинг таркибий қисмлари**

Ер ресурсларидан рационал фойдаланишни таъминлаш мақсадида ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги аниқ ва зарур маълумотлар йиғиндисини ўз ичига олган давлат ер кадастри юритилади.

Давлат ер кадастри ердан фойдаланувчиларни қайд қилиш, ерларнинг ҳажми ва сифатини ҳисобга олиш, тупроқ бонитировкаси ва ерларга берилган иқтисодий баҳо тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

171-модда. **Давлат ер кадастрининг мақсади**

Давлат ер кадастридаги маълумотлар ерлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, халқ хўжалигини планлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштириш, ерларни мелиорациялаш ва қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, шунингдек ерлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа халқ хўжалик тадбирларини амалга ошириш мақсадлари учун хизмат қилади.

172-модда. **Давлат ер кадастрини юритиш тартиби ва кадастр ҳужжатлари**

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ давлат ер кадастри давлат ҳисобидан ва ССР Иттифоқи учун ягона бўлган система асосида юритилади. Давлат ер кадастрини юритиш тартиби, кадастр ҳужжатларининг формалари, кадастр маълумотларини аниқлаб ва янгилаб туриш муддатлари ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

IX БЎЛИМ
ДАВЛАТ ЕР ТУЗИШ ИШЛАРИ

УТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

ДАВЛАТ ЕР ТУЗИШ ИШЛАРИ ВА ЕР ТУЗИШ ИШЛАРИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

173-модда. **Давлат ер тузиш ишлари ва унинг вазифалари**

Ер тузиш ишлари ердан фойдаланиш соҳасида давлат органлари чиқарган қарорларни амалга оширишга қаратилган давлат тадбирлари системасини ўз ичига олади.

Давлат ер тузиш вазифалари ерлардан тўғри, рационал ва самарали фойдаланишни ташкил қилишдан, деҳқончилик маданиятини ошириш ва ерларни муҳофаза қилишдан иборатдир.

Совет модда. **Ер тузиш ҳаракатлари**

Ер тузиш қўйидаги ер тузиш ҳаракатларидан иборат бўлади:

— ер тузиш ишларини бошлаш;

—ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;

—ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

—ер тузиш лойиҳасини натура ҳолига (ернинг ўзига) кўчириш;

—ер тузиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ердан фойдаланувчиларга бериш.

Ер тузиш органлари ер тузиш ишлари лойиҳасининг бажарилиши устидан авторлик назорати олиб борадилар.

177-модда. **Ер тузиш ишларини бошлаш**

Ер тузиш ишлари меҳнаткашлар депутатлари Советларининг, уларнинг ижроия ва фармойиш берувчи органларининг қарорлари, давлат ер тузиш органларининг ташаббуси ёки манфаатдор бўлган ердан фойдаланувчиларнинг талабномалари бўйича ўтказилади.

178-модда. **Ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш**

Ер тузиш лойиҳалари манфаатдор бўлган ердан фойдаланувчилар иштирокида ишлаб чиқилади.

179-модда. **Ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

Ер тузиш лойиҳаси колхозларда—колхоз аъзоларининг умумий йиғилишида ёки вакиллар йиғилишида, совхозларда ва бошқа корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда эса—ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама қилинади.

Хўжалик ичида ер тузиш лойиҳаси меҳнаткашлар депутатлари район Советининг ижроия комитети томонидан, хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси эса меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитети ёки Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланади, ер тузиш ишлари бир қанча областлар ёки бир область билан Қорақалпоғистон АССР манфаатларига дахлдор бўлган ҳолларда, бу лойиҳа Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланади.

Ер участкалари ажратиб бериш ва уларни қайтариб олиш юзасидан ишлаб чиқиладиган ер тузиш лойиҳалари шу ер участкаларини фойдаланиш учун бериш ёки давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш тўғрисида қарор чиқарган органлар томонидан тасдиқланади.

180-модда. **Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартишлар киритиш тартиби**

Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартишлар бу лойиҳаларни тасдиқлаган органлар рухсати билан киритилади.

181-модда. **Ер тузиш лойиҳасини натура ҳолига кўчириш ва уни амалга ошириш**

Ер тузиш лойиҳалари тасдиқланганидан кейин натура ҳолида (ернинг ўзида) акс эттирилиб, фойдаланиладиган ерларнинг чегаралари маълум нусхадаги марза белгилари билан ажратиб қўйилади.

Территорияни хўжалик ичида белгиланган ер тузиш тартибида ташкил этиш колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун мажбурийдир.

182-модда. **Ер тузиш ҳужжатлари**

Ер тузиш ишлари олиб борилаётганида ер тузиш лойиҳалари, шунингдек ушбу Кодекснинг 19-моддасида кўзда тутилганидек, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар тузилади.

183-модда. **Ер тузиш ишларининг давлат ҳисобидан ўтказилиши**

Ер тузиш ишлари, шу жумладан лойиҳа-қидиш ишлари давлат ҳисобидан ўтказилади.

184-модда. **Ер тузиш ишларининг давлат органлари томонидан амалга оширилиши**

Ер тузиш ишлари давлат ер тузиш органларидан амалга оширилади.

X БЎЛИМ
ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

УТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

ЕР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

185- модда. **Ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи органлар**

Колхозлар, совхозлар, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ва гражданлар ўртасида ер тўғрисида чиққан низолар ушбу Кодекснинг 186—193-моддаларида белгиланган тартибда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари томонидан ҳал қилинади.

186-модда. **Ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш соҳасида меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг компетенцияси**

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари қишлоқ ёки посёлка Совети территориясидаги ерлардан фойдаланиш масалалари юзасидан гражданлар ўртасида чиққан низоларни ҳал қиладилар, ушбу Кодекснинг 196-моддасида кўзда тутилган низолар бундан мустаснодир.

187- модда. **Ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш соҳасида меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советлари ижроия комитетларининг компетенцияси**

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советларининг ижроия комитетлари давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасалари ўртасида, шу корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан гражданлар ўртасида, шунингдек гражданларнинг ўзлари ўртасида шаҳар территориясидаги ерлардан фойдаланиш масалалари юзасидан чиққан низоларни ҳал қиладилар, ушбу Кодекснинг 196-моддасида кўзда тутилган низолар бундан мустаснодир.

188-модда. **Ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш соҳасида меҳнаткашлар депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг компетенцияси**

Меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари, колхозлар, совхозлар, маҳаллий қарамоқда бўлган бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ўртасида, шунингдек мазкур корхона, ташкилот, муассасалар билан гражданлар ўртасида район территориясидаги ерлардан фойдаланиш масалалари юзасидан чиққан низоларни ҳал қиладилар.

189-модда. **Ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш соҳасида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг компетенцияси**

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари томонлардан бири республика ёки иттифоқ қарамоғида бўлган корхона, ташкилот, муассаса ўртасида ер тўғрисида чиққан низоларни ҳамда Қорақалпоғистон АССР ёки областларнинг турли районларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида чиққан низоларни ҳал қиладилар.

190-модда. **Ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш соҳасида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг компетенцияси**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бир неча областлар ёки бир область билан Қорақалпоғистон АССРдаги корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасалар ўртасида ер тўғрисида чиққан низоларни ҳал қилади.

191-модда. **Ўзбекистон ССР билан бошқа иттифоқдош республикалардаги ердан фойдаланувчилар ўртасида чиққан ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш**

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, Ўзбекистон ССРдаги колхозлар, совхозлар, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг ўзга иттифоқдош республика территориясидаги ерлардан фойдаланиш масалаларига оид низоларни, шунингдек бошқа иттифоқдош республикалардаги колхозлар, совхозлар, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасаларининг Ўзбекистон ССР территориясидаги ерлардан фойдаланиш масалаларига оид низоларни Ўзбекистон ССР ва манфаатдор иттифоқ республикалар вакилларидан иборат сода тенг ҳуқуқлилик асосида тузиладиган ҳисса томонидан кўрилади. Башарти комя бир битимга келмаса, мазкур масалалар оид низолар СССР Министрлар Советиномидан кўриб чиқилади.

192-модда. **Ер тўғрисида низо кўзготиш**

Ер тўғрисидаги низолар томонлардан бирининг аризасига биноан қўзғотилади.

Бу ариза ердан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганидан далолат берувчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ер тўғрисидаги низода қатнашувчи томонлар ер тўғрисидаги низони ҳал қилишга оид материаллар билан танишиш ва улардан кўчирмалар олиш; ер тўғрисидаги низони кўриш пайтида ташиш; тегишли ҳужжатлар ва бошқа материаллар тақдим этиш; илтимоснома бериш; ақли ва ёзма изоҳлар бериш; иккинчи томонга илтимослари, даъволари ва мулоҳазалари эътироз билдириш; ер тўғрисидаги низозасидан чиқарилган қарор копиясини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ер тўғрисидаги низода қатнашувчи томонлар ўзлари берилган ҳуқуқлардан виждонан фойдаланишлари зарур.

193-модда. **Ер тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишдан, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳаҳ**

Ер тўғрисидаги низоларни ер ерларидан меҳнаф аатдор томонлар ижроия Совети ижроия комитетлари кўриб чиқилади. Бунда маҳаллий ер ер ушбу Кодекснинг кўрилади-ган вақт ажратиб берилади. хабардор қилиб кўрилади. **Якка деҳқон хўжаликлари берилган ер участкаси ва ишни ер ер нинг ҳажми** тўғрисида ер ер ер